

## Рўзага оид савол-жавоблар



03:30 / 14.03.2024 3967

**Савол:** рўза тутмасликка узрли кишиларнинг узрлари тугаса, нима қилишади?

**Жавоб:** узрлари сабабли неча кун рўза тута олишмаган бўлса, ўша кунларнинг қазосини тутишлари вожиб бўлади.

**Савол:** иш туфайли рўзани тарк қилса бўладими?

**Жавоб:** иш туфайли рўзани тарк қилишга рухсат йўқ. Аммо рўзадорга иш чоғида рўзани очишга шаръий узр пайдо бўлса, рўзасини очади. Унинг зиммасига қазо лозим бўлади, каффорат эмас.

Нафақага муҳтож бўлган касб эгаси иш билан шуғуллансаю, рўза тутмасликни мубоҳ қилувчи зарар етишини билса ҳам бемор бўлмасидан олдин рўзасини очиши ҳаромдир.

Лекин бошлиқларга Рамазонда қўл остидагиларга ишни енгиллатиш тавсия қилинган.

**Савол:** касаллиги қайталаниб қолиш хавфи бўлса, рўза тутмаса бўладими?

**Жавоб:** мусулмон, моҳир, ҳозиқ табиб маслаҳат берса, рўзасини кечиктириб, қазосини тутиши лозим бўлади. Касали зиёда бўлиши ё чўзилиб кетиши хавфи бўлса ҳам шундай (яъни рўзани очса бўлади). Бунда зиммасига қазо вожиб бўлади.

**Савол:** рўза тутмасликка бўлган рухсат барча турдаги касалликка доирми?

**Жавоб:** бу ҳукм барча турдаги касалликка эмас, балки фақат рўза тутиш зарар қиладиган касалликларга оиддир. Рўза тутиш зарар қилмайдиган беморлик рўза тутмасликни мубоҳ қилмайди.

**«Мўминнинг қалқони» китобидан**